



O'ZBEKISTON
RESPUBLIKASI
MILLIY KUTUBXONA
INV. №

Хақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

Эркин нархда сотилади

2009 йил
12 декабрь
ШАНБА
№ 99
(12.215)

www.th.uz

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОЙИШИ

"БАРКАМОЛ АВЛОД ЙИЛИ" ДАВЛАТ ДАСТУРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ ВА АМАЛГА ОШИРИШ БЎЙИЧА ТАШКИЛИЙ ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда соғлом ва уйғун камол топган авлодни тарбиялаш учун зарур шароитларни яратиш, XXI аср — интеллектуал кадрлар устуворлик қиладиган аср эканлигини эътиборга олган ҳолда Ватанимиз йилгит ва қизларини ҳар томонлама баркамол шахслар этиб шакллантириш борасидаги кенг қўлланма чора-тадбирлар комплексини амалга ошириш мақсадида ва 2010 йил Ўзбекистон Республикасида "Баркамол авлод йили" деб эълон қилиниши муносабати билан:

1. "Баркамол авлод йили" Давлат дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш бўйича Республика комиссияси иловага мувофиқ таркибда тузилсин.

2. Республика комиссияси (Ш. М. Мирзиёев) бир ой муддатда вазирликлар, идоралар ва жамоат ташкилотлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда "Баркамол авлод йили" Дастури лойиҳасини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш учун киритсин.

3. Дастурда ҳар томонлама баркамол ёш авлоднинг шакллантириши таъминлаш бўйича қабул қилинган давлат дастурлари ҳамда бошқа тадбирларга мувофиқ амалга ошириладиган чора-тадбирларни давом эттириш билан бир қаторда қуйидаги устувор йўналишлар бўйича энг муҳим вазифаларни ҳал этиш назарда тутилсин:

болалар ҳамда ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга, уларни уйғун камол топтиришнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлашга қаратилган меъёрий-ҳуқуқий базани тақомиллаштириш, амалдаги қонунлар ва меъёрий ҳужжатларга замон талабларига мос ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш; энг аввало, соғлом насли, "Соғлом она — соғлом бола" дастурини амалга ошириб боришни таъминлаш, оналарнинг репродуктив саломатлигини сақлаш, болалар ва ўсмирлар соғлигини муҳофиза қилиш тизимини тақомиллаштириш, профилактик соғлиқни сақлашни устувор даражада ривожлантириш, тиббий хизматининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши ва уни тарбиялаш масалалари бўйича аҳоли ўртасида тушунириш ишларини авж олдириш орқали соғлом авлодни шаклланти-

риш борасидаги чора-тадбирларни янада кучайтириш, ёшларда соғлом ва аҳил оила қуришга интилиш иш-тиёқини шакллантириш; ўсиб келаётган авлодни ўқитиш ва тарбиялаш соҳасида яратилган замонавий моддий-техника базасидан оқилона ва самарали фойдаланишни таъминлаш, замон талабларидан келиб чиққан ҳолда, олий ва ўрта махсус таълим тизимида реал иқтисодиёт тармоқлари ҳамда соҳаларида талаб этилаётган таълим ва мутахассисликларнинг йўналишларини қайта қўриб чиқиш ҳамда тақомиллаштириш, давлат таълим стандартларини, ўқув дастурлари ва ўқув-усlubий адабиётларни тақомиллаштириш; ўқув жараёнига янги ахборот-коммуникация ва педагогика технологияларини, электрон дарсликлар ҳамда мультимедия воситаларини кенг жорий этиш ҳисобига мамлакат мактаблари, касб-хунар коллежлари ва лицейларида, олий таълим муассасаларида таълим бериш сифатини тубдан яхшилаш, таълим муассасаларининг ўқув-лаборатория базасини энг замонавий ўқув ва лаборатория ускуналари, компьютер техникаси билан мустаҳкамлаш, шунингдек, ўқитувчилар ва мураббийларнинг машаққатли меҳнатини моддий ҳамда маънавий рағбатлантиришнинг самарали тизимини шакллантириш; нафақат мактабларда, лицейларда, коллеж ва олий таълим муассасаларида, балки ҳар бир оиланинг ҳаётида замонавий ахборот ва компьютер технологиялари, рақамли ҳамда кенг форматли телекоммуникация алоқа воситалари, Интернет тизимини татбиқ этиш, ўзлаштириш ва янада ривожлантириш;

ёш авлоднинг жисмоний тарбияси ва болалар спорт соҳасида, ёшларни, айниқса, қишлоқ жойларда қизларни мунтазам равишда спорт билан шугулланишга жалб этиш бўйича олиб борилаётган ишларни босқимча-босқич кучайтириш, янги спорт комплекслари, стадионлар, иншоотлар қуриш, уларни замонавий спорт анжомлари ва ускуналари билан жиҳозлаш, юқори малакали тренер кадрлар ва мураббийлар билан мустаҳкамлаш; таркибий (техник ҳамда технологик) ўзгартиришлар-

нинг энг муҳим йўналиши, аҳоли даромадлари ва мулкдорларнинг ўрта синфини шакллантириш асоси сифатида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни янада рағбатлантириш ва бу соҳадаги мавжуд муаммоларни ҳал этишнинг комплекс чора-тадбирларини ишлаб чиқиш, айниқса, қишлоқ жойларда ёшларни, авваломбор касб-хунар коллежлари ва олий таълим муассасалари битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб этиш учун шарт-шароит яратиш; илм-фанни янада ривожлантириш, талантли, иқтидорли ёшларни илмий фаолиятга кенг жалб этиш учун шарт-шароит яратиш, улар томонидан ўзларининг ижодий ва интеллектуал салоҳиятини амалга ошириш, жумладан, илм-фан ва технологияларни ривожлантириш махсус жамғармасини ташкил этиш, Фанлар академияси ва мамлакатимиз олий таълим муассасалари тизимида илм-фан, истиқболли илмий тадқиқотлар ва илмий изланишлар олиб бориш учун янги лабораториялар яратиш, ҳорижий илмий марказлар билан самарали ҳамкорликни йўлга қўйиш ва кенгайтириш бўйича комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқиш;

ёш оилаларга ғамхўрлик қилишни кучайтириш, уларнинг ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимоясини таъминлаш, жисмонан соғлом ва уйғун камол топган ёш авлодни тарбиялаш ишида жамиятнинг муҳим, ҳал қилувчи бўлини бўлиши соғлом ҳамда мустаҳкам оилани қуриш учун зарур шароитларни яратиш, мазкур оилда болалар шахс сифатида шаклланиб, Ватанга муҳаббат, миллий ва умумбашарий қадриятлар руҳида ўз халқининг муносиб вакиллари бўлиб етишадилар;

ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзи тамойилларини қарор топтириш, уларни гўёҳандлик, ахлоқсизлик, ташқаридан кириб келаётган тубан "оммавий маданият"нинг турли иллатлари хавфи ва зарарли таъсирларидан ҳимоя қилиш комплекс чора-тадбирларини амалга ошириш.

4. Мазкур фармойишнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазирини Ш. М. Мирзиёев зиммасига юқлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президентини
И. КАРИМОВ.
Тошкент шаҳри, 2009 йил 9 декабрь.

Ижро интизомини
ХАТ ОРТИДА ОДАМ БОР

Вилоят адлия бошқармаси шартномавий-ҳуқуқий ишларни назорат қилиш бўлими томонидан шу йил 9 ой давомида тайёрлов ва хизмат кўрсатувчи корхоналар билан қишлоқ ҳўжалик маҳсулотлари етиштирувчилар, шу жумладан, фермер ҳўжаликлари ўртасида қишлоқ ҳўжалик маҳсулотлари ва мод-

дий-товар бойликлари етказиб бериш ҳамда механизация ёрдамида хизматлар кўрсатиш юзасидан тузилган 32 минг 127 та шартнома ўрганиб чиқилди. Уларни ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш жараёнида айрим ҳажмат кўрсатувчи ташкилотлар қонунбузилишларига йўл қўётганлиги аниқланмоқда.

рига йўл қўйган "Пахта банк"нинг туман филиали иқтисодий бўлими бошлиғи вазифини бажарувчи Б. Минглибоевга белгиланган тартибда интизомий жазо чораси қўлланилди. Шунингдек, "Фўкарларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги Қонуннинг Оққўрган туман қишлоқ ва сув ҳўжалик бўлимида бажарилишини ўрганиш чоғида ҳам бир қатор камчиликлар аниқланди. Чўночки, фермерлардан Ж. Эгамбердиев, Б. Бобо-назаров, У. Дайрабевнинг мурожаатлари, ҳатто, рўйхатга олинмаган ва тегишли тартибда жавоб берилмаган. Бу камчиликка йўл қўйган бўлими ходими О. Имонкуловни маъмурий жавобгарликка тортиш юзасидан тегишли ҳужжатлар жиноят ишлари бўйича туман судига тақдим этилди. Суд маз-

кур масалани қўриб чиқиб, айбдорга энг кам ойлик иш ҳақи миқдорида жарима тайинлади. "Қишлоқхўжалиқимиз"нинг Ўртақчирик туман филиали ва Бекобод туман ер ресурслари ва давлат қадастри бўлимида ҳам айнан шу сингари камчиликка йўл қўйилганлиги аниқланди, адлия бошқармаси аралашуви билан қўнуний ҳал этилди.

Хатга эътиборсизлик ишда ўзибўларчилик кайфиятини кучайтирди. Бунга асло йўл қўйиб бўлмади. Фўкарлар мурожаатларини ўз вақтида қўриб чиқиш ва уларда қўтарилган масалаларни ҳал қилиш қўнуний бурч эканлигини ҳар бир ходим ҳам-ишда ёдда тутиши лозим.

Қувват ШЕРБОВЕВ,
Вилоят адлия
бошқармаси бош
маслаҳатчиси.

зининг юксалишига ҳисса қўйишга қодир бўлиб бормоқдалар. Айни шу жиҳатдан ҳам, давлатимиз раҳбарининг янги йилга бундай ном бериш ҳақидаги тақлифи халқимиз томонидан алоҳида кўтаринкилик ва савимий мамнуният билан қўтиб олинди.

Янгийўл шаҳар технология-иқтисодиёт касб-хунар коллежидан бўлган мизмида, келажигимиз давомчилари чиндан ҳам замонавий, барча шарт-шароитлар муҳайё қилинган билим даргоҳларида илму маърифат чўққилари сари интилаётганларини намойиш этиб, мамлакатимиз тараққиёти ва нуфу-

занин юксалишига ҳисса қўйишга қодир бўлиб бормоқдалар. Айни шу жиҳатдан ҳам, давлатимиз раҳбарининг янги йилга бундай ном бериш ҳақидаги тақлифи халқимиз томонидан алоҳида кўтаринкилик ва савимий мамнуният билан қўтиб олинди.

Қувват ШЕРБОВЕВ,
Вилоят адлия
бошқармаси бош
маслаҳатчиси.

ортиқ ёшлар таълим олиб, хунар эгалламоқда. Коллеж асосан шаҳардаги ёғмо, консерва, қандалатчилик, виночилик корхоналарига малакали мутахассислар етказиб бермоқда. Шунингдек, ўқувчилар молия, банк иши, солиқ тизими каби йўналишларда ҳам сабоқ олмақдалар. Тўртта замонавий кимё, физика лабораториялари, лингафон ва компьютер хоналари, 75 мингдан зиёд китоб фондига эга ахборот-ресурс маркази, қишки ва ёғмо мухташам спорт иншоотлари ўқувчилар хизматида.

Коллежнинг аълочи талабаларидан бир гуруҳи кунча Самарқанд вилоятидан аjoyиб хушхабар билан қайтишди. Улар "Конституция — бахтимиз қомуси" мавзусидаги қўриқ-танловнинг республика босқичида вилоятимиз номидан иштирок этиб, фахрли 2-ўринни эгалладилар.

СУРАТА: коллеж талабаларидан бир гуруҳи.

Даврон АХМАД
олган сурат.

2010 йил учун
ОБУНА
ДАВОМ
ЭТМОҚДА

Кучли давлатдан
кучли фўқаролик жамияти сари

МУНОСИБАЛАР ТАНЛАНИШИ ШУБҲАСИЗ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қўнунийлик палатаси, халқ депутатлари вилоят, шаҳар ва туман кенгашларига бўлажак сайловларга тайёргарлик янги босқичга кирди. Ишлаб чиқариш

корхоналари, мактаб, коллеж ва маҳаллаларда номзодларнинг сайловчилар билан учрашувлари тобора кенг қўлланма касб этмоқда. Сиёсий партиялар сайлов комиссиялари билан бевоқифа ҳамкор-

ликда ташкилотчилик ишларини пухта олиб бораётди. Газетамизнинг 2-саҳифасида вилоятимиз шаҳар ва қишлоқларида ўтган учрашувларнинг айримлари ҳақидаги хабарларни ўқийсиз.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Туркменистон Президенти Гурбангули Берdimухамедовнинг тақлифига биноан жорий йил 13-14 декабрь кунлари расмий ташриф билан ушбу мамлакатда бўлади.

Ташриф чоғида Ўзбекистон — Туркменистон ҳамкорлигини кенгайтириш масалалари, томонларни қизиқтирган минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик долзарб муаммолар муҳокама қилинади.

Музокаралар якунида икки давлатнинг турли соҳалардаги ҳамкорлигини ривожлантиришга қаратилган қатор икки томонлама ҳужжатлар имзоланиши режалаштирилмоқда.

Илгари хабар берилганидек, Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг мажлисида Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг (ЕХХТ) Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бюросидан (ДИИХБ) сайловларни баҳолаш бўйича 13 кишидан иборат миссияни рўйхатга олиш тўғрисида қарор қабул қилинди.

ЕХХТ/ДИИХБ КУЗАТУВЧИЛАРИ МИССИЯСИ ИШ БОШЛАДИ

Таъкидлаш жоизки, "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида сайлов тўғрисида"ги қўнуна мувофиқ, сайловга тайёргарлик қўриш ва уни ўтказишга доир барча тадбирларда, шунингдек, сайлов кунчи овоз бериш хоналарида ва овозларни санаб чиқишда депутатликка номзодлар кўрсатган сиёсий партиялардан биттадан кузатувчи, оммавий ахборот воситаларининг вакиллари, бошқа давлатлар, халқаро ташкилотлар ва ҳаракатлардан кузатувчилар қатнашиш ҳуқуқига эга.

Марказий сайлов комиссиясида ЕХХТ/ДИИХБ миссияси халқаро кузатувчиларига мандатлар топширилиши муносабати билан учрашув бўлиб ўтди. Унда томонлар фикр алмашиш ва ўзаро ҳамкорлик масалаларини мувофиқлаштириш имконига эга бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раиси Мирзо-Улугбек Абдусаломов ДИИХБ вакиллари Марказий сайлов комиссияси амалиётида биринчи марта жорий йилда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашла-

ри сайловига тайёргарлик қўриш ва уни ўтказиш бўйича Концепция ҳақида сузлаб берди ҳамда ушбу Концепцияда белгиланган вазифалар ижроси хусусида батафсил тўхталиб ўтди.

Учрашув чоғида ЕХХТ/ДИИХБ миссияси экспертлари ўзларини қизиқтирган барча саволларга, жумладан, Ўзбекистон сайлов қўнунийлигига киритилган ўзгаришлар, Ўзбекистон Экологик ҳаракатининг сайловда иштирокининг ҳуқуқий асослари ва Олий Мажлиси Қўнунийлик палатасига ушбу ҳаракатдан депутатларни сайлаш тартиби тўғрисидаги саволларга жавоб олдилар.

Миссия экспертлари Ўзбекистонда 31 декабрда бўлади. Миссия ўз фаолияти давомида Ўзбекистонда сайловларни ўтказиш, шунингдек, ДИИХБнинг аввалги тавсияларининг амалга оширилишини баҳолайди ҳамда баҳолаш якунлари бўйича ҳисобот тайёрлайди.

Экспертлар давлат органлари вакиллари, депутатликка номзодлар, сиёсий партиялар, суд органлари, фўқаролик жамияти ва оммавий ахборот воситалари вакиллари билан ҳам учрашувлар ўтказишди.

Ў.А.

Кучли давлатдан кучли фуқаролик жамияти сари

БУ ШУНЧАКИ
ВАЪДА ЭМАСНОМЗОДЛАРИМИЗ
ИШОНЧГА МУНОСИБРЕЖАЛАР КЕЛАЖАКНИ
КЎЗЛАЙДИАНИҚ МАҚСАД
БИЛАН

Чиноз туманидаги 15-умумтаълим мактабида сайлов олдиди учрашуви бўлиб ўтди. Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партиясидан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод — фермер хўжалиги раҳбари Алишер Ақромов сайловчилар олдиди сўзга чиқиб, агросаноат соҳасида амалга оширилаётган ислохотларнинг самаралари ҳақида гапирди.

— Номзодим 85-Чиноз сайлов округидан кўрсатилганлиги менга алоҳида масъулият юклайди, — деди Алишер Ақромов. — Чунки, бу ҳудудда — Чиноз ва Янгийул туманларида аҳолини ичимлик суви билан таъминлашда муаммолар йўқ эмас. Шу боис ўз ҳаракат дастурида, агар менга ишонч билдирсангиз, шу масала билан бевосита шуғул-



ланиш ва ҳал қилишни мақсад қилиб олдим. Шунингдек, ҳар бир қишлоқда меҳнатга лаёқатли одамларни иш билан таъминлашнинг қонунчилик ва ташкилий асосларини ишлаб чиқиш юзасидан аниқ таклифларим ҳам бор.

Учрашув чоғида Чиноз шаҳрининг санитария-гигиена ҳолатини яхшилаш, ички йўллари таъмирлаш, қишлоқларда аҳоли етиштирилган маҳсулотларни тайёрлаш ва қайта ишлаш шохобчаларини кенгайтириш масалалари ҳам тилга олинди.

Бугунги сайловчининг ўтган сайловлар иштирокчиларидан фарқи катта. Бу мустақиллик йилларида замондошларимизнинг ижтимоий-сиёсий онги низоҳатда юксалганлиги билан боғлиқ.

— 53-Эски Тошкент сайлов округидан халқ депутатлари вилоят кенгашига номзоди кўрсатилган Сурайё Аҳмедованинг сайловчилар билан учрашувида бу ҳолат яққол намоён бўлди, — дейди Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Чиноз туман кенгаши раиси Танзила Оллобеганова. — Одамларимиз номзоднинг шахси, меҳнат ва ижтимоий фаолияти ҳақида кўпроқ маълумот олишга қизиқишди. Савол-жавоблар қизгин тус олди.

Номзод партиянинг дастурий вазифалари,



ўзининг сайловолди режалари ҳақида гапирди. Миллий кадрлар ва бой маданий меросимизни тиклаш ва ўрганиш, бунинг баркамол янги авлод тарбиясидаги ўрнига алоҳида эътибор қаратди, қонунлар ижроси устидан депутатлик назоратини кучайтиришда фаол иштирок этажагини таъкидлади. Маҳаллалар фаоллари, маслаҳатчилар, пенсионерлар номзоднинг сайловолди дастурини маъқуллаб, ният-мақсадларини қувватлади.

Халқ депутатлари вилоят кенгаши депутатлигига 48-Қорасув сайлов округидан номзод Муқаддас Кусаева Пахтакор қишлоқ фуқаролар йиғинида сайловчилар билан учрашди. Номзод йиғилганларни ўз сайловолди дастури билан таништириб, аҳоли саломатлигини сақлаш, бандлик, ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш масалаларига алоҳида тўхталди.

— Вилоятимиз ижтимоий-иқтисодий соҳаларда салмоқли ютуқларга эришмоқда, — деди Муқаддас Азимовна. — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси бу жараёнларни барқарор тус олдиришда ўз аъзолари сайб-ҳаракатларини тобора фаоллаштираётди. Шаҳар ва қишлоқларимизнинг иқтисодий салоҳиятини юксалтириш, аҳоли турмуш фаровонлиги-



ни ошириш ва ёшлар учун янги иш ўринлари яратишда самарали иштирок этиш партияимизнинг дастурий вазифасидир.

— Номзодимизнинг сайловолди дастури нафақат ўзимиз, балки фарзандларимиз келажагини ҳам қамраб олганлигидан алоҳида қониқиш ҳосил қилдик, — деди Бешбой маҳалласида яшовчи Маҳбуба Икромова.

Сайловолди учрашувлари O'zLiDeP халқ ишончини оқлай оладиган муносиб номзодлар кўрсатганлигини тасдиқламоқда.



гулланувчи котибиятига раҳбарлик фаолиятимиз мобайнида бунга чуқур ҳис қилмоқдамиз. Оила кодекси, соғлиқни сақлаш, халқ таълими, болалар ҳуқуқлари тўғрисидаги қонунларнинг қабул қилиниши жамият ишларимизнинг ҳуқуқий асосини мустаҳкамлади. Агар депутатликка сайлансам, бу борадаги қонунлар ва меъёрий ҳужжатларни янада тақомиллаштиришда фаол қатнашишни ниятдаман.

Шундай учрашувлар Чигатой Оқтепаси ва Бўзсув қишлоқларида ҳам бўлиб ўтди.

ДАЛИЛЛАРГА
АСОСЛАНГАН
ТИББИЁТ

Пойтахтимизда гастроэнтерология ва гепатология соҳасида далилларга асосланган диагностика ва даволаш усулларида фойдаланиш масалаларига бағишланган семинар бўлиб ўтди. Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги Республика ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ТЕРАПИЯ ВА ТИББИЙ РЕАБИЛИТАЦИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ билан ҳамкорликда ташкил этган тадбирда илмий-тадқиқот муассасалари ҳамда иختисослашган тиббий марказлар олим ва шифокорлари иштирок этди.

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимида изчиллик билан олиб борилаётган ислохотлар шифо масканларининг моддий-техник салоҳиятини юксалтириш, илм-фан ютуқларини соғлиқни сақлаш соҳасида чуқур татбиқ этишда ўз самараларини бераётгани алоҳида таъкидланди.

Тиббиётимизнинг турли йўналишлари, хусусан, гастроэнтерология ва гепатология соҳасида илмий-тадқиқотлар жараёнида тўла исботини толган, жаҳон тиббиётида кенг қўлланилаётган даволашнинг далилий усуллари ва воситаларидан самарали фойдаланишмоқда. Бу диагностика ва даволаш ишларини ягона стандартлар асосида ташкил этиш, касалликни ўз вақтида аниқлаш ва самарали даволашда яхши самара бераётди.

Халқимизга гастроэнтерология ва гепатология соҳасида малакали тиббий ёрдам кўрсатишда замонавий тизим шаклланиган. Ўзбекистон Республикасида профилактика ва диагностика ишларини юқори савияда ташкил этиш учун барча имкониятлар яратилган. Бу йўналишда иختисослашган ёрдам кўрсатиш мақсадида Республика ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ТЕРАПИЯ ВА ТИББИЙ РЕАБИЛИТАЦИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИда гастроэнтерология ва гепатобилияр касалликлар бўлими фаолият юритмоқда. Бу ерда олтинчи ўринли стационар ташкил этилган. Шунингдек, марказнинг маслаҳат-ташхис поликлиникасида кунга ўнлаб беморларга консултатив ва амбулатор шартда тиббий ёрдам кўрсатилади.

Семинарда ошқозон-ичак ва жигар хасталиқларининг олдини олиш, ташхис қўйиш ва даволашдаги замонавий ёндашувлар, холециститни консерватив даволашдаги янги технологиялар, сурункали панкреатит ва ичак яллиғланиши касалликларини барвақт аниқлаш услублари ва даволашнинг самарали воситалари, жаҳон тиббиётининг ушбу йўналишдаги янгиликларига оид маърузалар тингланди.

Б. ХИДИРОВА,
ЎЗА мухбири.

Шу маънода аёлларимизни қўллаб-қувватлаш борасидаги сайб-ҳаракатлар кўламини янада кенгаймоқда. Республика Хотин-қизлар кўмитаси ҳамда "Аёллар кенгаши" жамоат бирлашмаси ҳамкорлигидаги "Йил аёли" миллий танлови аёлларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг жамиятдаги ўрнини мустаҳкамлаш, ўзига бўлган ишончини орттириш мақсадида ўтказилмоқда.

— Ушбу танловда иштирок этиш истагини билдираётган аёллар йилдан-йилга кўпайиб бормоқда, — дейди вилоят ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар кўмитаси раиси Сайёра Файзиева. — Танлов шартларида кўра, барча туман ва шаҳарлардан уч мингга яқин сўровномалар тўлдирилган. Унинг ҳудудий босқичларида 250 га яқин фаол аёллар иштирок этиб, 21 нафари вилоят босқичига йўлланма олди. Уларнинг ҳужжатлари ўрганилиб, 9 нафари танловда иштирок этиш учун саралаб олинди.

Аёлларга бўлган бундай ҳурмат, эътибор, ғамхўрликлар ўз самарасини бериши табиий. Халқимиз ҳамиша

юксак маънавиятли, билимдон, оқила аёллар, маънавий етук, баркамол, соғлом фарзандлар билан фарҳалиб келган. Бугун бу туйғу барча юртдошларимиз қалбида сўнамас меҳр-оқибат рамзи сифатида ҳаётимизга мазмун, файз-барака ато этмоқда.

Зангиота туманида ўтказилган танловнинг вилоят босқичи катта шодийнага айланиб кетди. Чехрасида қуёш

демократик янгилиниш, фуқаролик жамияти куриш жараёнларининг фаол иштирокчиси. Шунинг учун ҳам аёлни жамиятнинг гули, заҳматқаш ишчи, фаол сиёсатчи, олимпиа, ташкилотчи, тадбиркор ва ишбилармон дея эътироф этишди. Алаҳуссус, унинг беэавол ҳаёти соғлом жамият қафолатидир. Шу ўринда хотин-қизларни авайлаш ва ҳурмат қилиш каби шорқона фазилат халқимизнинг қонига сингиб кетган улус қадриятлардан бири эканлигини таъкидлаш жоиз.

ТУГАНМАС ДОСТОНГА
ЎХШАЙДИ...

кулиб, пойига гуллар тўшалган аёлларимизнинг, оила, фарзандлар тарбияси, жамоат ишларидаги фаоллиги, эришяётган ютуқлари, келажақдаги режаларини ўзига хос услубда сўзлаб бераётган иштирокчиларнинг латофати, зукколиги, ғайрату шижоати барчани руҳлантириб юборди.

— Ҳаётини оиласи, фарзандларига фидо қиладиган, жамоат иш-

ларида фаол қатнашишни ўз бурчи деб ҳисоблайдиган аёлларни қўллаб-қувватлаш, уларга ёрдам бериш ҳаммамизнинг вазифамиз, — дейди ташкилот раҳбари Гулнора Салоҳиддинова. — Оналар ва болалар саломатлиги йўлидаги сайб-ҳаракатлар айнан аёлларимизнинг ташаббуси, ғайрат-шижоати билан самаралидир. Бу борада ўз интилишлари билан

жамият тараққиётига муносиб ҳисса қўшаётган оналарни рағбатлантириш, маънавий мадад бериш асосий мақсадимиздир.

— Дунёда Ўзбекистон аёлига кўрсатилаётган эътиборнинг ўшагини топмадим, — дейди

2007 йилги "Йил аёли" кўрик-танлови ғолиби Гулнора Тўхтаназарова. — Қалбида миннатдорлик туйғуси жўш урган аёл борки, Ватан равнақига ўз ҳиссамни қўшсам, дейди. Аёлларнинг асосий вазифаси юрт кори учун соғлом фарзанд ўстириш, оила аталмиш кўрғон мустаҳкамлигини таъминлашдан иборатдир. Бугунги иштирокчиларимизнинг иқтидори, салоҳияти бу вазифани аъло даражада бажара олишларига ишонч тугдиради.

Дарҳақиқат, иштирокчилар аввало, оила бекаси, ғамхўр она, оқила аёл, қолаверса, жамият тараққиётининг ҳар жабҳасида ўз ўрнига эга, тадбиркор (Зарифахон Баходирова), билимдон ўқитувчи (Дилафрўз Акимова), ижодкор раҳбар (Фарида Кенжаева, Дилфуза Абдиева, Феруза Жумаева, Зоҳида Сувонова, Дилбар Турсунова), моҳир шифокор (Насиба Ҳожиева) эканликларини намойиш этишди. Ангренлик Зарифахон Шокрихонова эса танлов шартларига тўла жавоб берадиган чиқишлари билан моҳир ўқитувчи, тадбиркор раҳбар, оқила аёл, намунали оила соҳибаси сифатида эътироф этилди ва танлови ғолиблигини қўлга киритди. Энди вилоятимизнинг энг зукко аёли танловнинг республика босқичида иштирок этади.

Сайёра РИХСИЕВА,
"Тошкент ҳақиқати" мухбири.

СУРАТЛАРДА: ғоят самимий ва тантанавор руҳда ўтган кўрик-танлов иштирокчилар ёнда узок вақт муҳрланиб қолиши шубҳасиз.

Даврон АҲМАД олган суратлар.

ИНСОН
ҲУҚУҚЛАРИГА
ОИД ТАЪЛИМ
РИВОЖИ

Пойтахтимизда инсон ҳуқуқлари соҳасидаги таълимнинг долзарб масалаларига бағишланган семинар бўлиб ўтди. Тадбир Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қошидаги Юристар малакасини ошириш маркази томонидан Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилот (ЕХТТ)нинг Ўзбекистондаги лойиҳалари координатори ҳамкорлигида ташкил этилди.

Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, тегишли вазирлик ва идоралар, суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар, олий ўқув юртлири, нодавлат ҳамда халқаро ташкилотларнинг вакиллари иштирок этди.

Семинарда Ўзбекистон Республикаси Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий маркази директори А. Саидов, Ўзбекистон Республикаси Олий суди ҳузуридаги Тадқиқотлар маркази директори Ж. Хайдаров, Юристар малакасини ошириш маркази директори А. Ғофуров ва бошқалар инсон ҳуқуқлари соҳасидаги таълимнинг долзарб масалалари, соҳага оид қонун нормаларини амалиётга татбиқ этишда соҳа ходимларининг касб малакасини ошириш, инсон ҳуқуқларини таъминлашдаги халқаро тажрибага бағишланган маърузалари тингланди.

Тадбир доирасида Юристар малакасини ошириш маркази ва ЕХТТнинг Ўзбекистондаги лойиҳалар координатори ҳамкорлигида ташкил этилган инсон ҳуқуқлари бўйича ресурс марказининг очилиш маросими бўлди.

Ушбу марказ барча зарур замонавий ахборот-коммуникация техникалари билан жиҳозланган, соҳага доир қўллаб-қаршилов, монографиялар, ўқув қўлланмалари, маъруза матнлари, илмий рисо- лалар билан таъминланган. Бу ерда инсон ҳуқуқлари соҳасидаги миллий ва хорижий адабиётларнинг электрон кутубхонаси ҳам мавжуд. Холмурод САЛИМОВ,
ЎЗА мухбири.

